

Хужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқотларини ўтказишда далилий аҳамиятига эга ҳолатларни аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш борасида юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади...»⁵³. Шу жиҳатдан ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ва ҳужжатлар тадқиқотларининг натижалари кўрилаётган жиноят иши бўйича исботлов ва қидирувга оид маълумотларнинг манбаларидан бири ҳисобланади. Ҳужжатларнинг реквизитлари ва материаллари, шунингдек уларнинг тайёрлашда ишлатилган техник воситалар ўрганилар экан эксперт, кўрилаётган жиноят иши доира-сида ҳужжатнинг қалбакилаштириши ҳолати ва усулларини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди. Экспертиза хулосалари турлича маълумотлар, масалан, тахминий ижрочи ёки жиноятчининг тусмол қилинаётган касби, полиграфия, қогоз ишлаб чиқариши соҳасидаги махсус билимлари даражаси ёки жиноятчиларни қидирув фаолиятини мақсадга йўналган тарзда олиб боришга имкон берувчи бошқа шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин. Турли ҳужжатлардаги қалбакилаштириши белгиларини аниқлаш зарурати дастлабки давлатлар вужудга келиши билан мавжуд бўлган, масалан ҳали қадимги Рим давлатида ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлик белгиларини аниқлашга ихтисослашган махсус мутахассислар фаолият юритган. Ўша даврларда қалбаки ҳужжатларни аниқлаш мақсадида ҳужжатлардаги ёзувлар билан бирга ҳужжатнинг турли реквизитлари текширила бошланган. Ҳужжатларни турли жиноят ишлари бўйича тадқиқотлари машҳур криминалист олим Е.Ф. Буринский номи билан боғлиқ. Айнан Е.Ф.Буринский томонидан турли қалбаки ҳужжатлардаги «қўшиб ёзиш», «тозалаш ва ўчириш»лар, муҳр ва штампларнинг акслари, матннинг бажарилган вақтини аниқлаш ва бошқа шу кабиларни аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказилган ва ижобий натижаларга эришилган.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ички ишлар органлари ходимларига байрам табриги // Халқ сўзи. - 2007. - 25 окт.

Ҳозирги вақтда одил судлов ва тергов органлари турли шартнома, ишончнома, васиятнома ва шу каби ҳужжатларнинг малакали техник-криминалистик тадқиқотлари натижаларисиз кўрилаётган жиноят иши бўйича керакли маълумотларга эга бўлолмайдилар. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида ҳам ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ бир қатор жиноятлар кўзда тутилган.

Жиноят кодексининг ушбу моддалари бўйича жиноят ишларини кўзғатиш учун ҳужжатни қалбакилаштириш ҳолати ва усуллари ҳақидаги ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ҳулосаси керак бўлади. Фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, истеъмолчиларни алдаш ва бошқа шу каби жиноятларни тергов қилишда ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизалари натижалари жиноий қилмишнинг турли шароитларини аниқлаш ва исботлаш имконини беради.

Тергов ва экспертиза амалиётидан бир нечта мисолларни келтирамиз. Тумандаги давлат ташкилотларидан бирида фаолият кўрсатаётган мансабдор шахс тадбиркор шахсдан йирик пул суммасини тамагирлик билан олишда гумон қилинган. Гумон қилинувчидан ён дафтарча олинган ва гувоҳларнинг кўрсатувлари бўйича гумон қилинувчи ана шу ён дафтарчага ўзи олган пул маблағлари ва пулларни берган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ёзиб юрганлиги маълум бўлган. Аммо, олинган ён дафтарчани тергов жараёнида кўздан кечиришда, дафтарчадан бир нечта варақ йиртиб олинганлиги аниқланган ва дафтарча ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасини ўтказиш учун экспертларга юборилган. Экспертлар олдида дафтарнинг йиртиб ташланган варақларидан кейинги варақларда қандайдир ёзувларнинг излари мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш бўйича саволлар қўйилган. Ўтказилган экспертиза тадқиқотлари натижасида, дафтарчанинг бошқа (йиртилганлардан кейинги) варақларида турли ёзувлар ва рақамларнинг эзилган излари аниқланган. Ушбу ёзувлар мазмунини аниқлаш натижасида эса, мансабдор шахснинг жиноий қилмишлари исботланган.

Кейинги мисол эса фирибгарлик жиноятининг энг кўп тарқалган ва исботланиши жуда мураккаб бўлган схемаси сифатида таъкидланиши мумкин. Унинг моҳияти қуйидагича: ишлаб чиқариш ва савдо фирмасининг таъсисчиларидан бири алдов ва ишончга кириш йўли билан шу фирманинг расмий бланкасини қўлга киритишга муваффақ бўлган. Расмий бланка охиригача тўлдирилмаган, унда фирманинг муҳри ва бошқа бир (иккинчи) таъсисчининг имзоси мавжуд бўлган (бундай ҳужжат «ярим тайёр маҳсулот» деб аталади). Ушбу ярим тайёр

маҳсулотга лазерли принтери ёрдамида шартнома матни туширилган ва бу шартномага кўра фирманинг иккинчи таъсисчиси биринчи таъсисчидан жуда кўп миқдорда қарздор эканлиги баён этилган. Биринчи таъсисчининг аризасига кўра иккинчи таъсисчига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Олинган материаллар ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасини ўтказиш ва экспертларга текширилаётган ҳужжатнинг айрим лавҳаларини бажарилиш кетма-кетлигини аниқлаш вазифаси топширилган. Тадқиқотлар натижасида, ҳужжатдаги барча реквизитларнинг бажарилиш кетма-кетлиги хронологик тартибда аниқланган, яъни ҳужжатдаги матн муҳр ва имзодан кейин бажарилганлиги исботланган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Югай, Людмила. "Совершенствование института адвокатуры в контексте конституционных реформ." Общество и инновации 4.8/S (2023): 1-9.
2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).